

Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир.



O'zbekiston
«ADOLAT»
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

ADOLAT

Ижтимоий-сиёсий газета

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№ 38
(742)
2009 йил,
4 сентябрь,
жума

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Парламентда

Янги қонун

архив ва архив иши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни фракция раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаров олиб борди.

— Кун тартибдаги биринчи масала — Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тўғрисидаги Низом лойиҳаси юзасидан қўйи палатанинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Тўланбой Каримов маъруза қилди. Маърузачи мазкур Низом лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси

тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ ишлаб чиқилганлигини, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан номзод кўрсатиш ва уларни сайлаш олий орган — Экологик ҳаракат Конференцияси томонидан амалга оширилишини таъкидлади. «Архив иши тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса фракция аъзолари томонидан биринчи ўқишда қўриб чиқилди. Қонун лойиҳаси тўғрисида Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Насим Алимов сўзга чиқди.

(Давоми 2-бетда.)



Муносабат



Тараққиёт йўлимизнинг барқарор, бардавом одимлари

«Юртимизда янги жамият барпо этишда биз танлаган ва босқичма-босқич, изчил амалга ошираётган ислохотлар модели айни шу кунларда, яъни бутун дунё бошидан кечириётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида амалда нақадар тўғри эканини ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.»

Давлатимиз раҳбарининг Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзининг ушбу сатрларини ўқиб, ҳулоса қилдим: мамлакатимиз қисқа вақт —

Истиқлол қўлга киритилгандан сўнг 18 йил ичида ҳамма жабҳада эришган барқарор ва бардавом ўсиш ҳамда ривожланиш омили, бу — Юртимизнинг доимо оддий одамлар билан тез-тез учра-

шиб, мутахассислар ва олимлару зиёлилар билан маслаҳатлашиб, тармоқларнинг мутасаддилари, раҳбарлари билан кенгашиб иш юритишида бўлди.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Содир этган жиноятлари учун судланганлар жазодан озод қилинсин (мазкур Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):
а) аёллар;
б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
в) 60 ёшга тўлган эркаклар;
г) чет эл фуқаролари.
2. Эҳтиётсизлик оқсидида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.
3. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек, мазкур Қарор қўлган кунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқтинлик қилидиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний қўлга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Таъқилланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибидида тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, мазкур Қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган шахслар манзил-колониёга ўтказилсин.

7. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча ишлар тугатилсин.

8. Татбиқ этилмасин:
а) мазкур Қарор — узок муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган; ўта ҳавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибидида жиноят содир эт-

ган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибидида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга;
б) мазкур Қарорнинг 1-банди — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) мазкур Қарорнинг 1-4, 6 ва 7-бандлари — таъқилланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибидида тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланган шахсларга;

г) мазкур Қарорнинг 2, 4-7-бандлари муқаддам амнистия тартибидида жазодан озод бўлган, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Сенатнинг тегишли Қўмита ва Комиссиялари мазкур амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очик-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан қўлга қиради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
Тошкент шаҳри,
2009 йил 28 август.

И.СОБИРОВ

Хисобот-сайлов конференциялари

Масъулият, қатъият ва ташаббускорлик

билан фаолият юритиш лозим. Чунки ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар бисёр, дея таъкидланди Хоразм вилояти партия Кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида

Орта бир кўр назар ташламоқ, фаолиятни чуқур ва ҳолис сарҳисоб этиб, қўлга киритилган ютуқлар ҳамда йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш ва пировардида, бундан оқилона ҳулоса-ю, сабоқ чиқармоқ эртанги муваф-

фақиятларга пухта замин бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Хоразм вилояти Кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида айни шу жиҳат яққол кўзга ташланмоқда.

Конференция қизғин муҳокамаларга, жонли мулоқотларга, ўзаро фойдали фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

(Давоми 2-бетда.)

ОБУНА — 2010

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, КАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!



«ADOLAT» газетасига 2010 йил учун обуна бўлишга шошилинг!

Шунда у йил бўйи ҳафтада бир мартадан Сизнинг хонадонингиз эшигидан кириб бориб — ҳам меҳмон бўлади, ҳам мезбонлик қилади.

Обуна «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг жойлардаги бўлимларида расмийлаштирилмоқда.

«ADOLAT» доим ҳамроҳингиз бўлсин!
Нашр индексимиз — 100.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот хизмати хабар қилади

2009 йилнинг 29 август кўни тахминан соат 18-30 да биринчи шаҳар касалхонасининг атрофида «Кўкча» мас-жиди яқинида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 5-уй, 3-хонадон манзилида, Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан муқаддам Тошкент шаҳрида республика фуқароларига қарши бир қатор қотиллик жиноятларини содир этган террорчиларнинг гуруҳини йўқ қилишга қаратилган махсус операция ўтказилган.

Ушбу ҳолат ҳақида маълумот тезкор-тергов тадбирлари ўтказилаётганлиги сабабли берилмаган.

Ўтказилган тадбирлар натижасида юқорида қайд этилган жиноятларга дахлдор бўлган, хорижий террористик марказларда ҳарбий тайёргарлик ўтаган уюшган жиноий гуруҳ аниқланган.

Махсус операция натижасида учта террорчи, шу жумладан қидирувда бўлган, жиноий гуруҳ раҳнамоси Маҳмудов Шавкат Дилшодович йўқ қилинган.

Ҳозирги кўнда мазкур ҳодиса юзасидан Ўзбекистон Бош прокуратураси томонидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов қилинмоқда ва зарурий тергов ҳаракатлари олиб бори-

моқда. Шунингдек, шу террористик гуруҳнинг бошқа фаол аъзолари ушланган ва иккори қўрсатмалар беришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот хизмати ушбу жиноий гуруҳ аъзолари устидан олиб бориладиган тергов ҳаракатлари натижаси бўйича қўшимча маълум қилади.

Сайинд ОЛИМ,
«Adolat» мухбири.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

Салоҳиятли мутахассислар — юртимиз таянчи

— дейди Пахтабод педагогика коллежи директори Акбаржон СОБИРОВ

Пахтабодга яқинлашганимиз сайин деҳқончилик ҳадиси олган маҳаллий аҳоли меҳнати самараси яққол кўзга ташлана бошлади. Катта йўлнинг икки томонида чаман бўлиб, бир текис очилаётган пахта пайкаллари даласини ўзидек севган уста миришкорларнинг бой тажрибасини ёрқин намойиш этиб турибди. Бу манзарадан тўлқинланган ҳамроҳим дил ёрди:

— Андижонга ҳар гал келганимда, далалардаги шундай ҳолатни кўриб қувонаман. Ёзулар бир текис ривожланган. Пахтазорда биронта бегона ўтти кўрмайсиз. Одамлари меҳнаткаш, фидойи...

Аслида пок ният билан меҳнат қилган элнинг эзгу мақсададари ҳамини ижобат бўлаверади. Мустақиллик йилларида катта ўзгаришларга юз тутган Пахтабод тумани йил сайин гуллаб-яшнаб бораётган. Қатор соҳаларда қувончли ютуқларга эришилмоқда. Пилла, галладан бу йил мўл ҳосил кўтарган пахтабодликлар

энди пахтачиликда ҳам қўтилган натижаларга эришишга пухта замин ҳозирлашмоқда. Истиқлол берган улкан имкониятлар уларни яхши ишлаб, яхши яшашларига қўлай шарт яратмоқда. Айниқса, фарзандларининг камоли, бахту-саодати туман аҳлини қувонтиряпти. Ахир, замонавий мактаб, лицей ва коллеж-

ларда тахсил олаётган ўқувчилар Юрбошимиз курсатан баҳраманд бўлишмоқда. Таълимдаги ислохотлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ олиб борилаётгани кенг қамровли ишлар янги авлод камолига хизмат қилмоқда.

Пахтабод педагогика коллежи кўпчилик ҳавас қиладиган ана шундай намунали ўқув масканларидан бири. Бу ерда меҳнат қилаётган 176 нафар ўқитувчи-мураббий эртанги кунимизнинг муносиб эгаларини тарбиялаб, уларни камол топтиришга бор куч-ғайратни, билими ва маҳоратини сафарбар этмоқда.

— Салоҳиятли ёшлар — юртимиз таянчи, — дейди коллеж директори Акбаржон Собиров. — Уларнинг камоли, бугунги кунда эришаётган ютуқлари, бизни доимо қувонтиради. Юрбошимиз ҳамхўрликларига жавобан ўқишда ва ҳаётда фаол бўлишга интилаётган ўқувчилар ўз мақсадлари сари дадил боришмоқда. Чўқур билим олиб, ҳунар ўрганишга, Касб сирларини пухта эгаллашмоқда.

Бугунги кунда мазкур коллеж пахтабодлик ёшларнинг

севимли масканига айланган, десак асло муболага бўлмайди. Бу ерда 1500 нафарга яқин ўқувчи 9 та йўналиш бўйича тахсил олаётган. Бошланғич таълим, мактабгача таълим, жисмоний тарбия ва болалар спорт, бухгалтерия иши, молия, musiқа таълими, тиббий ижтимоий ёрдам, ҳўжалик ҳўқуқий фаолияти,

ёшлар билан доимо тўла. Спорт зали ва майдончалари жисмонан чиникётган ўқувчиларнинг сеvimли масканига айланган. Ўнлаб тўғараклар ишлаб турибди. Хўлас, ёшларнинг бу ердаги ҳар бир кўни ўзига хос тарзда қизиқарли ва мазмунли ўтмоқда.

Ёшларга пухта билим бе-

гика фанлари номзоди А.Неъматовнинг "Касб-ҳўнар коллежи педагоги маҳоратининг сифат кўрсаткичлари" номли мақоласи "Таълим жараёни" сифатли ташкил этишда илғор технологияларнинг роли" мавзўсига бағишланиб ўтказилган илмий-амалий конференция унинг иштирокчилари томонидан юқори баҳоланди ҳамда алоҳида тўплам ҳўлида чоп этилди. Эндликда эса тарих-ҳўқуқ фани ўқитувчиси Ж.Ҳасанов "Ҳ.М.Абдуллаевнинг Ўзбекистон фани ривожига қўшган ҳўссаси ва илмий мероси" мавзўидаги иши бўйича номзодлик диссертацияси ёкламоқда. Раънохон Каримова, Абдурахмон Бозоров, Манзурахон Қамбарова, Зокиржон Боқиев сингари коллежда кўп йилдан бўён самарали фаолият кўрсатаётган соҳа фидойилари ҳам кўпчиликлка ўрнат.

Бир сўз билан айтганда, коллеж жамоаси истиқлолимизнинг 18 йиллик айёмини муносиб ютуқлар билан қўтиб олди. Ҳаммамиз учун энг азиз, энг улўғ бўлган бу байрам барчага кўтаринки руҳ бағишлади.

Рўстам АҲМАДАЛИЕВ, "Adolat" мухбири.



божжона иши соҳалари бўйича устоз-мураббийларнинг сабогини олишга япти. Коллеж ўқувчилари жамоа томонидан яратилган барча шароитлардан баҳраманд бўлишмоқда. Ўқув йилида талабаларнинг дарсдан бўш вақтлари беҳудда ўтмайди. Ахборот-ресурс марказидаги ўқув зали билим эгаллашга иштиёқманд


раётган жамоа соҳани ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича ҳам қизғин излашлар олиб бормоқда. Таълимдаги янгиликлар устоз-мураббийлар фаолиятига кенг тадбик этилаётган. Жўмладан, коллеж директори, физика-математика фанлари номзоди А.Собиров билан тажрибали ўқитувчи, педаго-



Бунда ёшлар топади камол

Қарши банк коллежи мустақил ҳаётга жиддий режалар билан қадам қўймоқчи бўлган ёшларнинг сеvimли маскани. Бу даргоҳ ўзлаштириш паст, тўғараклардан қочадиган ўқувчилардан ҳўли. Аксинча, унда интилувчан ва изланувчан ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Яратилган шароитларга ҳамоҳанг талаб ҳам шўнга яраша.

Президентимизнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида" ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тузилган ишчи гуруҳи томонидан ўқувчиларни қўмил инсонлар этиб тарбиялаш, уларда она Ватанга, юртига нисбатан миллий гуруҳ, ифтихор тўғуларини уйғотиш борасида ҳам на-




ёки бошқа турдаги жиноятларни содир қилиб, икки ишлар идораларида профилактика ҳўсобиға олинганлар учрамади. Бу нафақат ҳўқуқ тартибот идоралари, балки ота-оналар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар самарасидир.

— Анаанага мувофиқ, бир йилда икки марта ота-оналар йиғилишини ўтказамиз, — дейди директорнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари Улўбек Доинёров. — Уларда ота-оналарнинг камида 98 фоиз иштироки таъминланмоқда. Ўқувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича келажақда иш билан таъминлиниши, ўқув даври яқунлар, ютуқ ва камчиликлар, гуруҳлардаги давомат, тартиб-интизом, ахлоқ-одоб ва кийиниш маданияти тўғрисида гаплашиб олинаётган. Келажакимиз ворисларини, бир кун бўлса-да, назоратсиз қолдирмаслик ҳаракатидамиз...

— Вояга етмаганлар ўртасида

ҳўқуқий-тарбиявий ишлар самарадорлиги, ёшларнинг гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиши, диний ақидапарастлик ёхуд турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолиши сингари салбий ҳўлатларнинг олдини олиш борасида амалга ошираётган ишлари билан Қарши банк коллежини Қашқадарё воҳасидаги энг етакчи билим даргоҳлари қаторига киритиш мумкин, — дейди вилоят прокуратурасининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Мўсахон Шарипов. — Чўнки коллежда Вояга етмаганлар билан ишлаш маркази тузилгани, унинг низоми, истиқбол дастури ишлаб чиқилгани, энг муҳими, марказ фаолияти қўғозда эмас, амалда ўз инъикосини топаётганлиги бу борадаги ютуқларга омил бўлмоқда. Шу маънода, коллеж тажрибасини бошқа билим масканларига ибрат сифатида кўрсатиш мумкин.

Одатда банк коллежларида асо-



Коллеж 700 ўқувчиға мўлжалланган бўлиб, 2 та компютер, 2 та лингафон ҳўнаси, 110 ўринли ўқув зали ва ахборот-ресурс маркази, 70 ўринли маънавият-маърифат маскани, очик ва ёпиқ турдаги волейбол, баскетбол, футбол майдончалари, теннис корти, адабий-бадий тадбирлар ўтказиладиган маданият уйи ва 150 ўринли ошхона ёшлар хизматида.

зарий, ҳам амалий тадбирлар мўнотазам равишда ўтказиб боришмоқда. Ҳар жўма кўни ташкиллаштирилган "Маънавият соат" лари, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда уюштирилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари, янги асарлар тақдиротлари ёшларнинг дўнёқарашини янада ўстиришда муҳим омил бўлаётган. Утган йиллар давомида коллеж ўқувчилари ўртасида ҳўқуқбузарлик

Ватан ҳўмоясини — муқаддас бурч

Курсантлар қасамёд қилди

Ҳар йили энг улўғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кўни Тошкент Олий ўмуқўшшин кўмондонлик билим юртида биринчи курсға қабул қилинган курсантларнинг қасамёд қилиш маросими ўтказилади.

Анаанавий тадбир бу йил Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига ҳамоҳанг тарзда янада кўтаринки руҳда ўтди. Ўзбекистон Республикаси Мудоффа вазирлиги, билим юрти раҳбарияти ва жамоатчилик вакиллари иштирок этган мазкур маросимда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоларида мамлакатимиз Кўролли Кўчлари тизим-да амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани, ҳарбий қисм ва билим юртиларида ёшлар учун барча зарур шарт-шароит яратилгани алоҳида таъкидланди.

Жорий йилда мазкур олий ҳарбий ўқув юрти курсантлари сафиға қўшилган йиғитлар орасида қашқадарёлик Ҳўмоюн Мўхамедов ҳам бор.

— Кўитоб туманидаги касб-ҳўнар коллежини тамомлаб, бу ерга ҳўжжат топширган эдим, — дейди Ж.Мўхамедов. — Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, юртимизнинг мазкур нуфузли ҳарбий билим юртида ўқишни давом эттириш бахтиға мушарраф бўлганимдан қувончим чексиз. Мақсадим — етуқ кадр, офицер бўлиш ва элу юртимға садоқат билан хизмат қилиш.

Тантанали маросимда курсантларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

Курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишиға бағишланган шўндай тантанали тадбирлар мамлакатимиздаги бошқа ҳарбий билим юртиларида ҳам бўлиб ўтди.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

Солиқ ва ҳаёт

Мақсад — аҳолиға ҳам, давлатға ҳам наф бўлсин

ишимизға шў нўқтани-назардан қараш — нафақат бизнинг хизмат вазиғамиз, балки бурчимиз ҳамдир

Мамлакатимизда ишлаб чиқилган Инкирозға қарши чоралар дастурида солиқ тўловчиларға солиқ ва кредит имтиёзлари бериб бориш масаласи ҳам алоҳида эътиборға олинган. Ана шў устувор вазиғалар борасида Президентимиз Ислам Каримов жорий йилининг февраль ойида Вазирлар Маҳаммаси мажлисида алоҳида тўхталиб деғанди: "Бир сўз билан айтганда... қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишға алоҳида аҳамият бериш даркор".

Юрбошимизнинг бу сўзлари биз учун дастуриламал бўлиб, қишлоқларда хизмат турларини кенгайтириш учун яратилиши керак бўлган барча шарт-шароитларни доимий назоратға олдик. Шў мақсадда аҳоли ўртасида кенг тушунтиришлар олиб бораёғимиз ва очик мулоқотлар тарзида суҳбатлар ўтказаяғимиз. Мавжуд муаммолар ҳамда айрим масалаларни жойларнинг ўзида ҳал этиб, уларни солиқ тўловчилар онлиға янги солиқ қўнўнчилиги талаблари асосида энг содда, ҳаётий мисоллар билан етказиб беришға ҳаракат қилаёғимиз.

Ўтказилаётган тадбирларда ҳўжалик субъектлари ўзларига яратиб берилаётган шарт-шароитларни асло сиуистемол қилмасликлари ўқтириб ўтилди. Жўмладан, улар томонидан кириш қилинмаган товарларни сақлаш ёхуд товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан тушган тушумини яшириш ёки камайтириб кўрсатиш, солиқ ҳисоботини вақтида, малакали тақдим этиш тартибини бузиш, фискал хотирали назорат-касса машиналарининг қўлланиш тартибига ва бошқа мажбурий тўловларни тўлов муддатларига риёя қилмаслик каби қатор ҳўқуқбузарликларни содир этгани учун жавобгарлик чоралари тўғрисида муфассал тушунтиришлар бериб ўтдик. Шўнингдек, жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва декларациялаш борасида ҳам берилган ўнлаб саволларға жавоблар қайтардик.

Солиқ тўловчиларнинг барча қатлами, тизим хизмати органлари ходимлари, малакали мутахассислар, маҳаллий ҳўқимият ва банк тузилмалари раҳбарлари ҳамда сиёсий партиялар аъзолари ва уларнинг хайрихўхлари иштирокида ўтаётган бундай семинарлар, суҳбатлар, шўбҳасиз, ишимиз самарадорлиғига катта наф бераёпти. Зеро, ўз фаолиятимизға — ҳам аҳоли, ҳам давлат манфаати, уларнинг нафи нўқтани назардан қараш — нафақат бизнинг хизмат вазиғамиз, балки, бурчимиз ҳамдир.

Музаффар САПАЕВ, Турлан тумани ДСИ инспектори.

Элга хизмат — олий ҳўммат

«Каримбек» музей-ресторани


ҳар қандай нозиктаъб мижозлар-у хорижий сайёҳларни ҳам лол қолдирмоқда

Самарқанд шаҳридаги бу шинам базмоғўни музей-ресторанға қиёслаш мумкин. Чўнки, у қадимий услўбдаги безаклар ва жиҳозлари билан сизни ўтмишға етаклайди, миллий маданиятимиз ва ҳўнармандчилигимизнинг ноёб қирраларини кўз ўнгиниғизда ғавадлантиради. Шў боис «Каримбек» ресторани «Қадим Самарқанд танлови»да бош совринға сазавор бўлди. Шўгина эмас, бу обод ресторанининг моҳир пазандалари Самарқанд вилояти ва республика миқёсида ўтказиб келинаётган миллий таомлар кўргазмасида ҳам қатор муқофотларни кўлга киритишган. «Бўғдой уни ҳар жойда — пазандаси бир жойда» деғанларидек, ресторанининг кўли гул ошпазлари ҳўрандаларға доимо аъло даражада хизмат кўрсатиб келишмоқда. Айни пайтда бу ерда 50 хилдан ортик миллий ва европача таомлар тайёрланаёпти. Бўюртмалар телефон орқали қабул қилиниб, керакли манзилға етказилаётгани, нархлари ҳам нисбатан арзонлиги мижозлар сонининг кўпайишиға имкон бермоқда.

— Пазандалик, ҳалолик, касбу корға садоқатни талаб этади, — дейди «Кенжабону сервис» масъулияти чекланган жамяиятга қарашли «Каримбек» музей-ресторани менежери Алишер Хўсанов. — Шў қойдаға амал қилиб келаётганимиз боис базмоғў доимо ғаваж. Бу ерга ташриф бўйрган хорижий сайёҳлар ўз миллий таомларини тайёрлаш йўлларини тақдир этишгаётгани ёки ўзбекона таомномаларни ўрганиб кетишгаётгани шарофли касбимизнинг жаҳонро эътирофи деб биламан.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ.

Суратларда: «Каримбек» музей-ресторанининг моҳир пазандалари.



ЗИЁВУДИН ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

бугун Ўзбекистон халқини Ватанимиз Мустақиллигининг
18 йиллиги билан чин дилдан табриклайди.

Барчага байрамона кайфият, мустаҳкам сўхат-саломатлик,
онлавий бахт-саодат тилаймиз. Жаннатмакон юртимиз осмони
доимо мусаффо, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Истиқлолнинг 18 йиллигини Самарқанд вилоятининг энг
чекка худуди бўлиш Пахтачи тумани аҳли, хусусан, Зиёвуддин педагогика коллежининг устоз
мураббийлари ва ўқувчилари ҳам кўтаринки руҳда кутиб олди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки
Мустақиллик пахтачилик ёшларга етарлича билим ва малака олиш имкониятини тўхфа этди.
Энг сўнгги технологик воситалар билан жиҳозланган ўқув хоналари, лабораториялар, шинам
спорт зали ва майдончалари, ахборот-ресурс маркази ва бошқа зарур шарт-шароитларга эга
бўлган коллежда таълим олаётган ўқувчи ёшларга ҳавасингиз келади.

Утган ўқув йилида коллежнинг ўнлаб ўқувчилари жамоа фахрига айланган. Педагогика
йўналиши бўйича тахсил олаётган Динара Рустамова «Энг иқтидорли мутахассис» кўрик-
танловининг вилоят босқичида иккинчи, шу гуруҳ ўқувчиси Зулайхо Шоймаматова учинчи ўринни
эгаллади. Касбий таълим йўналиши бўйича Мафтуна Арзикулова эса 20 ёшгача бўлган қизлар
ўртасида ўтказилган шахмат бўйича республика чемпионатининг бронза медалини қўлга киритди.



ВИЛОЯТЛАРАРО АМУ-БУХОРО МАШИНА КАНАЛИНИ ИШЛАТИШ БОШҚАРМАСИ ҚИЗИЛТЕПА АБМК ЖАМОАСИ



Юрtdошларимизни
Ўзбекистон
Республикаси
Мустақиллигининг
18 йиллиги ва
Тошкент шаҳрининг
2200 йиллиги
билан
муборақбод этади!
Шодлик,
тинчлик ва
фаровонлик
мудом барқарор,
ҳар Ҳабада
Зафар ёр бўлсин!

Фаолият

Иш билганга минг танга

Мамакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга устувор масалалардан бири сифатида қаралиб, соҳа ривожини учун барча шарт-шароитлар мўҳайё этилган. Тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги, банк ва бошқа молия муассасаларидан кредитлар ажратилаётганлиги, турли солиқ имтиёзларининг жорий этилаётганлиги фикримиз тасдиғидир.

Қорақалпоғистонлик Кумушой Нурибегова тадбиркорликка майли кучли, ишбилармон аёл. У кўп йиллар савдо соҳасида самарали меҳнат қилди, бой тажриба тўплади. 1996 йили эса "Айну-КНҚ" хусусий фирмасини ташкил этди. Иш билганга минг танга деганларидек, асосан аҳолига савдо хизмати кўрсатиш билан шуғулланувчи фирмада омикорлик билан иш олиб борилганлиги туфайли жамоа тезда оёққа тура бошлади. 2002 йили "Ғаллабанк" (ҳозирги "Қишлоққури-

лишбанк")нинг Беруний тумани филиалидан 5 миллион сўм миқдорида кредит олингани фирма фаолиятини ривожлантиришда, айтиқса, муҳим роль ўйнади. Хусусан, кредит ёрдамида аҳолининг озиқ-овқат ва нооziқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш борасидаги ишлар кўламини сезиларли даражада кенгайтирди. Бунинг натижасида фирманинг савдо айланмаси миқдори аввалги йилларга тенга қараганда олти баробарга ортди. Банк кредити тўловлари ўз вақтида

тўлаиб, жамоа салмоқли даромадларга эга бўла бошлади.

Ҳозирги пайтда "Айну-КНҚ"нинг ўндан ортиқ дўконлари узлуксиз ишлаб турибди. Шулардан тўрттаси Беруний туманидаги "Шаббоз" ва "Саркоп" овул фуқаролар йиғинлари худудларида жойлашган бўлиб, салкам 19 минг нафар қишлоқ аҳолисига намунали савдо хизмати кўрсатиб келаяпти. Фирмага қарашли дўконларнинг моддий-техника базасини яхшилашга катта эътибор қаратишмоқда. Бу,

ўз навбатида, савдо маданиятини юксалтиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилиаяпти.

— Фирмада 15 нафар ходим фаолият юритади. Даромаднинг салмоғига қараб уларни доимий равишда рағбатлантириб бораёلمиз. Бу фирма саноатиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Зеро, рағбат бор жойда узиш бўлади, — дейди фирма раҳбари Кумушой Нурибегова.

Ҳа, фирма раҳбарининг гапларида жон бор. Рағбат кишини астойдил меҳнат

қилишга, янги-янги марраларни забт этишга ундайди. Ўз фаолиятида йил сайин салмоқли ютуқларни қўлга киритаётган "Айну-КНҚ" хайрли мақсадларни амалга оширишни кўзламоқда. Кумушой Нурибегованинг таъкидлашича, яқин орада "Саркоп" овул фуқаролар йиғини худудида замонавий мини маркетни бунёд этиш режалаштирилган. Мазкур савдо шохобчаси ишга тушгач, янги иш ўринлари яратилади ва албатта, қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш кўлами



янада кенгайиб, сифат даражаси яхшиланади.

Эзгу ниятларни кўлаб меҳнат қилаётган фирмани ишчи-ходимлари хайрия тадбирларидан ҳам четда қолишмаяпти. Кам таъминланган оилаларга, ногиронларга ҳар доим мод-

дий ёрдам бериб келинмоқда, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатишмоқда. Айни чоғда туманда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишяпти.
Ғулом ХИДИРОВ,
«Adolat» мухбири.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ҚАМАШИ, НИШОН ФИЛИАЛЛАРИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг
18 йиллиги билан самимий
кутлайди. Юрт равнақи ва
фаровонлиги йўлидаги
меҳнатларида улкан
муваффақиятлар тилайди.

Истиқлол
айёми
барчангизга
омад
келтирсин.
Хонадонингизда
хотиржамлик ва
кут-барака
доимий
ҳамроҳ
бўлсин.

ТЎРТКЎЛ ТУМАНИДАГИ «БАРАКАТ-ТЎРТКЎЛ» ТУТИНУВ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон аҳлини энг улуг ва
энг азиз байрам —
Истиқлолнинг
18 йиллик тўйи билан
самимий қутлайди.
Ушбу қувончли кунларда
Сизларга ва оила-
аъзоларингизга тинчлик-
тотувлик, сўхат-саломатлик
ва мустақиллик мангу
бўлишини тилайди.



БУЛУНҒУР САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
18 йиллик ҳамда Тошкент шаҳрининг
2200 йиллик айёми билан
юрtdошларимизни самимий қутлаб, уларга
барча эзгу ишларида
муваффақият тилайди.

Мустақиллик — олий неъмат,
ўзлигимизни қайтариб берган қадрият.
Мустақиллик — халқимизни буюк мақсад
йўлида жипслаштирадиган, эзгулик сари
ундайдиган энг азиз, энг улуг байрам.
Ана шундай шукуҳли
байрам шодиёналари
билан нурафшон юртимиз
тараққий этаверсин.
Истиқлол куёши
мудом порласин!

18

ҚУТЛУҒ САНА

катта шодиёна билан қутиб олинди

Мамакатимиздаги юзлаб коллежлар қатори
Бухородаги Қорақўл тиббиёт коллежи жамоаси
ҳам мустақиллиқнинг 18 йиллиги — қутлуғ сана-
сини катта шодиёна билан қутиб олди. «Қишлоқ
тараққийи ва фаровонлиги йили» давлат
Дастурига қўра бу ерда шу йилнинг ўтган даврида
ўқитиш жараёни сифатини ошириш, замона-
вий ўқув воситалари билан таъминлаш ва ўқитув-
чи педагогларнинг янада шарт-шароитларини яхшилаш
йўналишларида 116 миллион сўм маблағ сарфланди.
Коллеж биноси тўла таъмирдан чиқарилиб, катта
ҳажмда ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

2009-2010 ўқув йилини муваффақиятли бошла-
ган жамоа ҳамюртларимизни Ватанимиз
Мустақиллигининг 18 йиллиги ва пойтахтимиз
азим Тошкентнинг 2200 йиллиги билан самимий
муборақбод этади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши Хоразм ви-
лояти Қўшқўпир тумани партия Кенгашининг раиси
Нигора Жумабоевна САИДОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила
аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади

(Газетанинг навбатдаги сони
2009 йил 18 сентябрь, жума кuni чиқади).

Adolat

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКІСТОН
«АДОЛАТ» СДП СІЙСІЙ КЕНГАШІ

adolat_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир
Худоёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс);
котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-57-14
ISSN 2091-5217

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати

Дилором
ТОШМУҲАМЕДОВА,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Алишер МҲМИНОВ,
Жовдотхон ИНОҲОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МІРЗО,
Муҳаммад АЛИ,
Мамазюр ХҲЖАМБЕРДИЕВ,

Мукаррамхон АЗИМОВА,
Раъшан ҲАЙДАРОВ,
Рустам АҲМАДЛИЕВ
(бош муҳаррир биринчи
ўринбосари, нашр учун масъул),
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИКОВА,
Талғат МУРОДОВ,
Қодир ЖҲРАЕВ.

• «Адолат»дан кўчириб босиб фақат таҳририят
руҳсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.

Навбатчи муҳаррир —
Даврон САБДУЛЛАЕВ
Навбатчи — Носир ҲАЙДАРОВ

Нашр индекси 100

Саҳифаловчи-дастурчи — Собир ТУРДАЛИИ ўғли